

Муборак кеча фазилати



23:45 / 19.05.2020 3032

Нафсим деди: - борми экан, бизлар учун чексиз роҳат?

Ақл деди: - имкони бор, айтай сенга қилсанг тоқат.

Нафсим деди: - айта қол тез, етай унга бўлдим безор,
Қайга бормай минг машаққат, тану жоним олди озор.

Ақл деди: - Минг ой қилсанг, тинмай тоат қилиб сабр,
Сўнгра бориб қилгин роҳат, то-абад етмас жабр.

Нафсим деди: - Мен билардим, сендан чиқмас яхши фикр,
Қайси аҳмоқ тинмай қилар, бир умрга Ҳақни зикр.

Ақл деди: - Мунча шошдинг, ҳар бир ишни имкони бор,
Қадр кеча қил ибодат, бир умрга рағбати бор.

Нафсим деди: - Кимдан олдинг? Бу сўзларни борми далил?
Зикрин қилиб бедор бўлсам, Жаннат учун борми кафил.

Ақл деди: - Бу ваъдалар мендан эмас, Ҳадис эмас, Аллоҳдандир,
"Минг ойдан афзалроқдир"-башорати Қуръондандир.

Нафсим деди: - Билмай қолдим не бўлди, ақл мени лол қилди,
Мен тан бердим ақлга, охир мени дол қилди.

Нафсу - ақл, ёнма ён, доим дилга соларкан,
Бу ҳикматдан билмадим, кимлар ибрат оларкан,
Бедор дўстим тақво қиб, фурсат келди олади,
Ҳақнинг қули дуонгиздан, Умид қилиб қолади.

***Жиззах шаҳар «Имом Бухорий» жоме масжиди
имом ноиби Ҳалилов Умиджон Абдуҳаким хожи ўғли***